

**УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН  
СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ УСЛУБИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

**Сиддков Аскар Ахрорович**

СамИСИ, Менежмент кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий жиҳатлари ёритиб берилган. Умумий овқатланиш корхоналари инновацион стратегиясини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклиф ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** умумий овқатланиш, инновация, ресторан хизмати, стратегия, ресторан бизнеси.

**METHODOLOGICAL ASPECTS OF DEVELOPMENT OF  
INNOVATIVE STRATEGY OF CATERING ENTERPRISES**

**Siddkov Askar Akhrorovich**

SamIES, Senior Lecturer, Department of Management

**Annotation.** The article describes the methodological aspects of developing an innovative strategy in the field of catering. Conclusions and recommendations for improving the innovative strategy of catering companies have been developed.

**Keywords:** catering, innovation, restaurant service, strategy, restaurant business.

Умумий овқатланиш соҳасида инновацион ривожланиш истиқболларини белгилашда стратегик режалаштириш ва бошқариш воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мамлакатни инновацион

ривожлантиришга йўналтирилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан “Ўзбекистон 2030” стратегияси қабул қилинган. Ушбу стратегияда Ўзбекистон республикаси ва ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари ва уларга эришиш чора-тадбирлари келтирилган.

Ушбу стратегияда биз тадқиқ қилаётган умумий овқатланиш соҳасини ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар ва йўл хариталари ҳам белгиланган:

- Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш соҳасини 2021-2023 йилларда ва 2030 йилларгача бўлган даврда стратегик ривожлантириш концепцияси;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори;

- Ўзбекистон Республикасида 2030 йилларгача бўлган даврда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепцияси;

- Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳасини ривожлантириш концепцияси;

Албатта, умумий овқатланиш соҳаси корхоналари томонидани ишлаб чиқилган стратегиялар, стратегик ривожланиш йўналишлари бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, бизнинг фикримизча, стратегик режалаштириш жараёни чуқур таҳлилларга, тадқиқот услубиятига ва масалага илмий ёндашувни талаб этади. Бугунги кунда умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегияни ишлаб чиқишнинг ягона услубий ёндашувини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири сифатида стратегиянинг таркибий тузилиши, режалаштириш услубияти ва усулларини танлаш, фаолиятни прогнозлаш усуллари ва кўрсаткичлари, стратегик режани амалга оширувчи бошқарув тизимининг такомиллашган тузилмаси ҳамда самарали назорат тизимини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умумий овқатланиш корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегияси бир нечта қисмлардан иборат бўлиб, стратегиянинг мақсади, вазифалари, талаб этиладиган асосий ресурслар, вазифаларни амалга ошириш восита ва усуллари, ривожланишнинг асосий йўналишлари ҳамда кутилаётган натижалар тўлақонли акс этирилиши лозим. Инновацион ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари ўзаро сабаб-оқибат боғлиқлигида тадқиқ қилиниши керак.

Инновацион стратегиянинг ишлаб чиқиш ва амалга ошириш технологияси оддатда инновацион менежмент усулларини ўз ичига олади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инновацион стратегияни ишлаб чиқишнинг ягона услубий ёндашуви ишлаб чиқилмаганлиги сабабли умумий овқатланиш соҳаси учун муайян услубий базани шакллантириш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Дасаввал стратегия тушунчасига изоҳ берайлик. Илмий адабиётларда “стратегия” атамасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, юнонча “stratos” ва “ago” сўзларидан келиб сиққан ҳамда ҳарбий соҳада қўлланилган. XX асрдан бошлаб бу атама бошқарув соҳасида кенг қўлланилиб бошланди.

Айрим ҳолларда стратегия тушунчаси биринчи навбатда муайян ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлардан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ тушунтирилади. Айрим адабиётларда эса бу аввало узок муддатли режалаштириш жараёни бўлиб, корхонанинг бозордаги ҳатти-ҳаракатини белгилаб беради.

Бу борада менежмент назарияси ривожланишига сезиларли ҳисса қўлшаг Г. Минцбергнинг муаллифлик таърифи ҳам муҳим бўлиб, стратегия - режа, хулқ-атвор тамойиллари, маневри, бозордаги позицияси, истикбол сифатида изоҳланган. Турли иқтисодий адабиётларда ёритилган стратегия тушунчасининг муаллифлик таърифлари ва изоҳлари мазкур диссертация ишининг илова қисмида батафсил келтирилган.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида стратегия тушунчасининг умумий овқатланиш соҳасидаги ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, муаллифлик ёндашувидаги таърифини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча “умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегияси” бу -:

*биринчидан*, инновацион ривожланиш йўналишларини аниқлаб берувчи ва асословчи дастур;

*иккинчидан*, умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг узок муддатли истиқболдаги мақсади;

*учинчидан*, умумий овқатланиш корхонасини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш жараёни;

*тўртинчидан*, умумий овқатланиш соҳасининг стратегик мақсадларга эришиши учун илгари сурилган бизнес фалсафаси;

*бешинчидан*, стратегия умумий овқатланиш соҳасининг ташқи муҳит хусусияти ва мавжуд ресурслар нуқтаи назаридан муайян позицияси (миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи, бизнеснинг янги йўналиши).

**Бизнинг фикримизча, умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегияси – соҳада инновацион фаолиятни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори технологик ва техник таъминот даражасини таъминлаш орқали рақобат устунлигига эришишига қаратилган ҳаракатлар дастуридир.**

Инновацион стратегия инновацион масалаларга доир бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлиги билан баҳоланади.

Инновацион стратегияни амалга ошириш умумий овқатланиш соҳаси ресурслари, таъминотчилари ва истеъмолчиларини яхлит тизим сифатида бирлаштирувчи, уларнинг иқтисодий имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш имконини берувчи ягона ташкилий-иқтисодий механизмни ўзида акс эттириши лозим. Шу билан бирга бунда

молиялаштириш ва инвестициялаш, мақсадли-дастурий ва лойиҳавий бошқариш ҳам талаб этилади. Стратегияни амалга ошириш механизми кўзланган мақсадларга эришиш ва чора-тадбирлар самарадорлиги билан баҳоланади.

Стратегик режалаштириш бир томондан илмий ва амалий фаолиятни ўз ичига олади, иккинчи томондан эса бу корхонанинг бозордаги мавқеи, бизнес концепцияси, миссияси, узоқ муддатли истиқболда режалаштирилган мақсад ва вазифаларга эришиш орқали фаолият самарадорлигини ва инновацион йўналтирилганлигини таъминлаш ҳамдир. Стратегик режалаштириш концепциясига кўра “экстрополяцияга асосланган прогнозлашда барча кўрсаткичлар ўтган давр кўрсаткичларига асосланган ҳолда баҳоланади ва унга эришиш бўйича чора-тадбирлар белгиланади. Стратегик режалаштириш эса бунга қўшимча равишда прогноз қийматлардан четланишнинг моҳиятини очиб бериш ва уни баргараф этиш, тенденцияни аниқлаш орқали стратегик тузатиш ва қўшимчалар киритишга асосланади”.

Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегияси стратегик режалаштириш жараёнида шакллланган иш хужжатиدير. Бугунги кунда хизматлар соҳаси корхоналарида, шу жумладан биз томонимиздан тадқиқ қилинаётган умумий овқатланиш соҳасида ҳам жуда кўплаб ривожлантириш дастурлари, йўл харитаси ёки ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилмоқда. Бу бир томондан фаолиятнинг келажакка йўналтирилганлигини ҳам изоҳлайди, бошқа томондан эса ушбу режа, дастур ва йўл хариталари ташқи муҳитнинг таъсирларига рақобатбардош бўлиши учун мунтазам равишда тузатишлар киритилиб бориши ҳам талаб этилади. “ташқи муҳит ва технологияларнинг жадал ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланадиган бугунги даврда стратегик режани инновацион ривожлантириш стратегиясига уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ, чуник

ташқи муҳитнинг салбий таъсирлари оқибатида ҳар қандай режанинг “ижобий” жиҳатлари “салбий” кўрсаткичга эришиши, аксинча, “салбий” тенденциялар турли тузатишлар орқали корхона фойдаси учун хизмат қилиши мумкин бўлади.

Мазкур динамик ва тез ўзгарувчан шароитда умумий овқатланиш соҳасида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда алоҳита тизимли ёндашиш мақсадга мувофиқ, шу билан бирга, биз кўзда тутган кўрсаткичларга эриши ҳам соҳага хос бўлган услубий ёндашувни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Стратегик бошқарув ва режалаштиришга оид услубий ёндашувларни таҳлил қилиш асосида умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни ушбу ёндашувларни умумлаштириш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик. Бизнинг фикримизча, *бу бир томондан* умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегиянинг истиқболга йўналтирилганлигини таъминлашга, *иккинчидан*, муайян вақт оралиғида амалга оширилиши, ташқи муҳит омилларининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида мунтазам равишда кўшимча ва ўзгартиришлар киритиб борилиши лозим.

Умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегиянинг моҳияти узоқ муддатли истиқболда рақобат устунлигига эришишни таъминлашга йўналтирилган таркибий-тузилмавий, сифат ўзгаришларининг рўй бериши билан изоҳланади. Стратегияни амалга ошириш механизми эса соҳани тубдан модернизация қилиниши, хизмат кўрсатиш жараёнларининг янги техника ва технологияларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, истеъмол ва маркетинг соҳаларида янгиликларнинг киритилиши орқали рўй беради.

Инновацион стратегиянинг муҳим жиҳатлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- бизнес портфелини бошқариш ва амалга оширишга йўналтирилганлиги;
- ўсишга йўналтирилганлиги; мураккаблиги, бошқарувнинг функционал даражаларида амалга оширилиши;
- рақобатбардошликни таъминлашга қаратилганлиги;
- фаолиятнинг диверсификациялашувини талаб этиши;
- бозор муҳитининг ўзгаришларига мослашувчанлиги.

Инновацион стратегияни шакллантиришда қуйидаги муҳим омилларни ҳам эътиборга олиш лозим:

- ресурс омиллар (нау-хау, патент, ихтиро, илмий-техник ишланмалар, технологикжараёнлар, янги хомашё ва материаллар, меҳнат, ахборот ва инвестицион салоҳият);

- иқтисодий омиллар (мамлакат ёки соҳадаги макроиқтисодий вазият, молия-кредит ва суғурта тизими, иқтисодий рағбатлантириш, нархлаштириш. Солиқ ва солиққа тортиш);

- ташкилий омиллар (кооперация ва интеграция, меҳнатни ташкил этиш даражаси ва ҳолати, хўжалик фаолияти, атроф-муҳит муҳофазаси ва сифат назорати, коммуникация жараёни, срежалаштириш ва прогнозлаштириш жараёни);


- институционал омиллар (фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, инновацион, илмий-техник, ТИФ, ижтимоий сиёсат, тадбиркорликка оид қонунчилик, мафкуравий жараёнлар);

- бозор омиллари (рақобат даражаси ва изчиллиги, корxonанинг мавқеи, истеъмол таомиллари ва истеъмолчи хулқ-атвори, УОК ҳаётийлик даври);

- инновацион омиллар (илмий-техник тараққиёт даражаси, технологик укладлар).

Бугунги кунда умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган аксарият субъектлар томонидан бозор омиллари ва инновацион омиллар

алоҳида аҳамиятга эга деб қаралмоқда. Бу аввало иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобат даражаси ва изчиллигининг ортиб бораётганлиги, истеъмол таомиллари ўзгариш шароитида мижозларнинг қониққанлик даражасини оширишда инновациялар энг самарали воситага айланганлиги билан ҳам изоҳланади. Бундай вазиятда бозор нишасини тўғри баҳолаш ва инновацион стратегияни тўғри йўналтириш лозим.



### **1-чизма. Инновацион стратегия тамойиллари.**

Ташқи муҳит омилларининг ноаниқлиги ва ўсиш суръатлари чекланган макроиқтисодий вазиятда умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда куйидаги тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал модели 2-чизмада келтирилган.



## 2-чизма. Умумий овқатланиш соҳасининг инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал модели


Фикримизча, умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишларига биринчидан, соҳанинг энг муҳим корхоналари ва фаолият турлари бўйича ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш, иккинчидан, иштирокчиларнинг ўзаро инновацион ҳамкорлигини амалга ошириш, соҳа иштирокчиларнинг турдош ва бошқа фаолият турларини режалаштириш мақсадга мувофиқ

Ушбу йўналишлар умумий овқатланиш соҳаси стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш объекти бўлиб хизмат қилади. Инновацион

ривожанишни таъминлаш учун барча жабҳаларини симметрик тарзда ташкил қилиш ва бошқариш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга атиб ўтишимиз жоизки, умумий овқатланиш соҳаси ривожланиши турлича йўналганлиги билан ҳам ажралиб туради. Шу муносабат билан инновацион стратегияни ишлаб чиқишда бир вақтнинг ўзида 2-3 та қуйи стратегияларни ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда тезкор стратегия умумий овқатланиш корхоналарининг мижозлар билан ишлаш фаолияти ва ташқи бозорлар билан алоқаларни таъминлашга хизмат қилади. Ишбилармонлик стратегияси эса инновацион жараёнларнинг умумий тамойилларини белгилашга хизмат қилади. Функционал стратегия эса соҳага турдош бўлган бошқа соҳа ва тармоқларнинг ривожланиш ва ҳамкорлик муносабатларини йўналтиришга қаратилади.

Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегияси овқатланиш маҳсулотлари, ресторанлар тармоғини ривожлантириш бўйича кўзда тутилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини, истеъмол хусусиятиларининг бойитилишини ва харид имкониятини оширишни, шу билан бир вақтда миллий гастрономик туризмни ривожлантиришни ҳам кўзда тутди ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш стратегик бошқарув тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Мазкур ҳолатда инновацион жараёнларни шакллантириш ва амалга ошириш қуйидаги 2-чизмадаги каби тасвирланади. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давлатнинг инвестицион сиёсати доирасида амалга оширилиши, маълум мезон ва параметрларга асосланмоғи лозим.



**3-чизма. Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш жараёни.**

Ушбу тузилмага кўра биринчи босқичда стратегия ўтган давр кўрсаткичларига асосланган ҳолда прогноз қийматларсиз ишлаб чиқилади. Бунда умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг энг устувор ва долзарб йўналишлари аниқланади. Стратегияни амалга ошириш жараёнида прогноз қийматлар ва унга эришиш чора-тадбирларига аниқлик киритилади. Яқунловчи босқичда қисқа муддатли

режалаштириш ва прогноз қийматларига асосланган ҳолда бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Умумий овқатланиш соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш моддий-техника базаси ва техник кўрсаткичларни таҳлил қилиш, иқтисодий ўсиш суръатлари ва тенденцияларини аниқлашга асосланади. Бугунги кунда соҳад ташқи муҳит омилларининг ноаниқлиги ва ўсиш суръатлари чекланганлиги туфайли юзага келган макроиқтисодий вазиятда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун аввало технологик ривожланишни ҳамда инновацион фаолиятни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ. Ўсиш суръатларининг сусайиши кузатилган даврда аввало инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, стратегик мақсадларга эришиш йўлларини такомиллаштириш зарур бўлади.

Таъкидлаш жоизки, умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ўтган даврдаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга, амалдаги техник-технологик имкониятларга асосланади.

Стратегияни амалга оширишда ташқи муҳитнинг салбий таъсирларига, истеъмолчиларнинг янгиликларни қабул қилиш даражаси, ҳудудларда инновацион фаолиятни рағбатлантириш имкониятининг мавжудлигига, шунингдек, корхонанинг ўзида ҳам инновацион сиёсатнинг амалга оширилишига боғлиқ. Шу боисдан ҳам кутилаётган инновацион ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг кўллаб-қувватлашига, корхонанинг ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда диссертация ишида умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш алгоритми таклиф қилинади.

Кўриниб турибдики, Умумий овқатланиш соҳасини инновацион

ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш алгоритми:

- турли даражадаги бошқарув бўғинларининг стратегик фикрлашини таъминлайди;


- соҳанинг турли корхоналари ва бизнес йўналишлари бўйича ресурсларни оқилона тақсимлаш;

- бозор конъюнктураси, ташқи муҳитнинг салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида индикатив режа кўрсаткичларига қўшимча ўзгартириш ва тузатишлар киритиш;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда стратегик таҳлилнинг услубий асосларини такомиллаштириш;

- стратегик назоратнинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш;

- янги интеграцион тузилмалар, коммуникацион ва мувофиқлаштирувчи тузилмаларнинг такомиллаши туфайли стратегияни оқилона амалга ошириш имконини беради.



**4-чизма. Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш услубияти<sup>1</sup>**

Бизнинг фикримизча, таклиф қилинаётган инновацион стратегияни шакллантириш услубияти умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ самарали қарорлари қабул қилиш, ташқи

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

муҳит омилларининг ноаниқлиги ва ўсиш суръатлари чекланган макроиқтисодий вазиятда соҳада ўсиш суръатларини янада ошириш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 8 феврал, ПФ-4947-сон
2. Ламбен Ж.-Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок / Перев. с англ. под ред. В.Б. Колчанова. – СПб.: Питер, 2004. – 800 с
3. Ансофф И. Стратегическое управление Текст / И. Ансофф. – Москва: Экономика, 2009. – 331с.
4. Afuah A. Strategic Innovation. New Game Strategies for Competitive Advantage, 2009
5. Tashmatov, S. U. (2021). TURIZMNING MAMLAKAT IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(4), 1128-1132.
6. Saydullayevich, M. Q. (2021). Features and Problems of Forming Quality Management Systems in Small and Medium-Sized Businesses. International Journal of Development and Public Policy, 1(3), 11-13.
7. Saydullayevich, M. Q. (2021). Forms of Quick Management of Manufacturing in the Conditions of Market Relations. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 8, 1-4.